

## XALQ VA QO'SHIMCHA TABOBATNI SOG'LIQNI SAQLASH TIZIMIGA INTEGRATSIYASI

Qayumov X.N.,

Buxoro davlat tibbiyot instituti.

### ✓ Rezyume

*Maqolada Xalq va qo'shimcha tabobat (XvaQT)ni sog'likni saqlash tizimiga uyg'unlashtirish borasida O'zbekiston respublikasida amalga oshirilgan amaliy tadbirlar yoritilgan. Xalq va qo'shimcha tabobat sohasida mutaxassislar tayyorlash, malakasini oshirish va qayta tayyorlash tizimini yo'lga qo'yilganlik holati, qo'llanilishi borasida me'yor va qoidalar ishlab chiqilganlik va amaliyotga tadbir etilganlik darajasi tahlil qilingan.*

*Kalit so'zlar: Xalq va qo'shimcha tabobat, an'anaviy tabobat, qo'llanilishi, strategiyasi, sog'likni saqlash tizimiga uyg'unlashtirish.*

## ИНТЕГРАЦИЯ НАРОДНОЙ И ДОПОЛНИТЕЛЬНОЙ МЕДИЦИНЫ В СИСТЕМУ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Каюмов Х.Н.,

Бухарский государственный медицинский институт.

### ✓ Резюме

*В статье описаны практические меры, принимаемые в Республике Узбекистан по интеграции традиционной и дополнительной медицины (ШМТ) в системе здравоохранения. Проанализировано состояние системы подготовки, повышения квалификации и переподготовки специалистов в области народной и дополнительной медицины, уровень разработки и выполнения норм и правил по их применению.*

*Ключевые слова: народная и дополнительная медицина, традиционная медицина, применение, стратегия, адаптация к системе здравоохранения.*

## INTEGRATION OF FOLK AND ADDITIONAL MEDICINE INTO THE HEALTHCARE SYSTEM

Qayumov Kh.N.,

Bukhara State Medical Institute.

### ✓ Resume

*The article describes the practical measures taken in the Republic of Uzbekistan to harmonize traditional and complementary medicine (CMT) in the health care system. The state of the system of training, advanced training and retraining of specialists in the field of traditional and complementary medicine, the level of development and implementation of norms and rules for their application are analyzed.*

*Key words: traditional and complementary medicine, traditional medicine, application, strategy, adaptation to the health care system.*

### Долзарблиги

Халқ табобати аксарият аҳоли фойдаланиши мумкин бўлган тиббий ёрдам турига киради. Халқ табобатидаги даволаш усуллари кўпчилик инсонлар учун бирламчи тиббий ёрдам сифатида ишлатилади. Бунинг асосий сабаблари яшаш ҳудудига яқинлиги, миллий-маданий қарашлар, ишончнинг юқорилиги ва иқтисодий қулайлигидир. Айниқса тиббий ҳизмат қимматлашган даврда халқ табобати воситаларини иқтисодий қулайлиги кўп миллионли аҳолини ўзига жалб этади. Кўпгина сурункали касалликларни ўсиб бораётганлиги ҳам халқ табобатига эътиборни янада ошишига сабаб бўлмоқда(4,5).

Ҳозирги даврда халқ табобати кўпгина давлатларда кенг ишлатилиб келинмоқда, бошқаларида эса охириги йилларда унга бўлган эътибор ошиб бормоқда. Ер юзининг кўпгина ҳудудларида сиёсатчилар, тиббий ҳизмат ҳодимлари ва жамоатчилик "Халқ ва қўшимча табобатни" (ХваҚТ) асрашда, бошқаришда, фойдаланишда, сифати, самарадорлиги ва ҳавфсизлиги масалаларида муаммоларга учрашмоқда. Унга

бўлган қизиқиш фақат унинг махсулотлари билан чекланмасдан, кўпроқ амалий ХваҚТ ҳамда анъанавий табиблар амалиётига бўлган эътиборга қаратилган.

"ЖССТ берган тарифга кўра Халқ табобати" узоқ тарихга эга бўлган, маҳаллий халқлар ва турли маданият вакилларининг назариялари, эътиқодлари асосида тўпланган билим, кўникма ва амалий тажрибаларнинг умумий ҳулосаси бўлиб, биз уларни тушунтира олишимиз ёки тушунтира олмаслигимиздан қатъий назар саломатликни сақлашда, шунингдек жисмоний ва руҳий бузилишларда профилактика, диагностика ва даволаш мақсадларида ишлатилади" (3).

Халқ табобатига мурожаатни сабабидан қатъий назар, унга бўлган қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда ва бундан кейин ҳам янада ошиши кузатилади. Бу тенденцияни инобатга олган ҳолда халқ табобати амалиётчиларини фаолиятини профессионал даражада уйғунлаштириш ва ҳавфсизлигини таъминлаш зарур бўлади. Бундан ташқари халқларни ва маҳаллий жамиятни интеллектуал мулкга ҳуқуқини сақлаб қолиш, халқ табобати усулларини илмий ўрганиш, инновацион гояларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Энг асосийси халқ табобатини соғлиқни сақлаш тизими билан уйғунлаштириш, касалликларни профиллактикаси, диагностикаси ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табобати ўртасидаги ҳамкорлик ва интеграцияни таъминлаш ҳозирги даврда асосий вазифалардан биридир(4,5).

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ЖССТ "Халқ табобати соҳасида 2014-2023йй стратегияси"ни ишлаб чиқди. Бу стратегияни асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат(3):

1) Халқ табобатининг потенциал имкониятларидан инсонлар саломатлигини сақлашда, яшаш даражасини яхшилашда, тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда фойдаланиш.

2) Халқ табобати соҳасини меъёр ва қоидаларини белгилаш, илмий изланишлар олиб бориш ва соғлиқни сақлаш тизими билан интеграциясини таъминлаш орқали уни ҳавфсиз ва самарали ишлатилишига эришиш (3).

Кўпгина халқлар табобати сингари ўзбек халқ табобати ҳам бой тарихий анъаналарга ва ноёб меросга эга. ҲваҚТ сифати ва ҳавфсизлигини таъминлаш учун миллий соғлиқни сақлаш тизимида мамлакатда қўлланиладиган ҲваҚТ шакллари аниқ талаб ва истакларини акс эттирувчи стратегия ва сиёсат ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу соҳада бошқа мамлакатлар халқ табобати шакллари қўлланилишига соғлиқни сақлаш тизимини тайёрлигини таъминлаш зарур. Бундан ташқари ҲваҚТ борасида миллий стратегияни, меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқишда, уларни амалиётга тадбиқ этишда бошқа мамлакатлар тажрибаси ва амалиётдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ(4,5). Ҳ ва ҚТ қўлланилиш моделларини нисбатан уч турга бўлиш мумкин(3):

1. Халқ табобати асосий тиббий - санитария ёрдами кўрсатувчи манба сифатида қўлланиладиган мамлакатлар. Бу соғлиқни сақлаш тизими яхши ривожланмаган мамлакатларга ҳос бўлиб, уларда врачлар танқислиги мавжуд. Буларга Африка қитъасида давлатларни мисол қилиб айтиш мумкин. Уларда бир табиб 500 аҳолига, бир врач 40000 аҳолига тўғри келади.

2. Халқ табобати анъанавий маданият таъсири натижасида қўлланиладиган мамлакатлар. Бундай давлатларга Сингапур ва Корея Республикасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу давлатларда замонавий тиббиёт яхши ривожланганлигига қарамадан 76 ва 78% аҳоли Халқ табобатига мурожаат қилиб келмоқда.

3. Халқ табобати қўшимча табобат сифатида қўлланиладиган мамлакатлар. Бу ҳолат асосан соғлиқни сақлаш тизими ривожланган давлатларда - тиббий хизмат юқори даражада йўлга қўйилган Шимолий Америка ва Европа мамлакатларида учрайди.

Бу борада республикамизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" №3968-сонли қарори бу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ҳал этишда муҳим омил бўлди. Қарорда Халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобатининг усуллари ва ютуқларидан самарали ва ҳавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида, биринчидан халқ табобати

аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилди, иккинчидан халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланди, учунчидан халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ҳодимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгарлиги белгиланди, тўртинчидан тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилиши қайд этилди(1).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табобати усуллари қўллаган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган этиб белгиланди.

Республикада халқ табобатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида халқ табобати соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишни назарда тутувчи меърий-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар оқибати учун жавобгарлигини белгилаш, халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда онгли равишда танлаш имкониятини яратиш учун халқ табобатининг кўп йиллик кўникмалари ҳамда амалиётда тасдиқланган ижобий ютуқларини замонавий тиббиётга интеграциялаш орқали унинг салоҳиятидан фойдаланиш, халқ табобати соҳасида етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш тақидланган ва республикада халқ табобатини ривожлантиришнинг устивор чора-тадбирлар дастури тасдиқланди(1).

Дастурда маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатининг ролини ошириш, халқ табобати усуллари қўллаган ҳолда хизмат кўрсатувчи хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг амбулатор ва стационар муассасаларида халқ табобати усуллари қўллаш билан касалликларни даволаш бўйича маҳсус бўлимлар ташкил этиш, халқ табобати дори воситаларини сотиш билан шуғулланувчи дорихоналар тизимини ташкил этиш (ривожлантириш), халқ табобати соҳасида кадрлар тайёрлаш, халқ табобатини янада оммалаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун шароит яратиш, халқ табобатидан кенг фойдаланиладиган ҳорижий мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиш каби устивор йўналишларни амалга ошириш механизми кўрсатиб берилди.

Шу билан бирга ҳозирги кунда республикамизда тиббий фаолиятни лицензиялаш учун назарда тутилган тартибда халқ табобати усуллари қўллаш би-

лан кўрсатиладиган хизмат фаолиятини лицензиялаш, халқ таоботи воситаларини реклама қилиш, шунингдек, алқ таоботи усулларини қўллаш бўйича фаолиятни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Халқ таоботи соҳаси тартибга солиниши муносабати билан хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва касблар Классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон республикаси президентининг 2020 йил 10 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ таоботини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар" №4668-сонли қарорида халқ таоботининг касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича самарали усулларини замонавий тиббиёт амалиётига жадал интеграциялаш, фуқаролар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш тизимини йўлга қўйиш бўйича асосий вазифалар белгилаб берилди(2).

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга Республика халқ таоботи илмий-амалий маркази ташкил этилиб, вилоятлардаги тиббиёт олий таълим муассасаларида ва Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий марказлар ташкил этилди.

Республика марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган (2):

Халқ таоботи усулларидан, шу жумладан ўзбек халқ таоботининг тарихий анъаналари ва ўзига ҳос меросидан фойдаланган ҳолда касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, бошқа тиббий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

Халқ таоботининг асосий йўналишларини (фитотерапия, акупунктура, аюрведа, гомеопатия, йога, моксиотерапия, натуропатия, остеопатия, термал тиббиёт, ҳиро-амалиёт, цигун ва бошқалар) ривожлантириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашда ва замонавий тиббиётда уларни қўллаш бўйича ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш;

Халқ таоботини касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида замонавий тиббиётга интеграциялаш бўйича, шу жумладан илмий-тадқиқот ва лаборатория тадқиқотлари ўтказиш орқали тақлифлар тайёрлаш;

Халқ таоботида фойдаланиладиган ўсимликларни ўстириш ва ўсимлик кўринишида бўлмаган ҳомашё тайёрлашни, ушбу йўналишда лаборатория ва илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, халқ таоботида энг кўп ишлатиладиган ўсимликлар ва ҳомашёни ўстиришни маҳаллийлаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

Халқ таоботи бўйича мутахассисларни, тиббиёт ҳодимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни Ҳудудий марказларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Фуқаролар саломатлигини таъминлашда алқ таоботининг ролини ошириш борасидаги муаммоларни ўрганиш ва тақлифлар тайёрлаш юзасидан илмий-тадқиқот муассасалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Ҳорижий мамлакатларнинг халқ таоботи вакили бўлган ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиш, мамлакатимизда халқ таоботини янада ривожлантириш масалалари бўйича биргаликда анжуманлар, форумлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш.

Бухоро Давлат тиббиёт институтида ўзбек халқ таоботини, айниқса Абу Али ибн Синонинг тиббий меъросини ўрганиш бўйича амалий ва илмий изланишлар олиб борилмоқда. 20 йилдан ортиқ давр мобайнида барча йўналишларда ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўқув режалардаги қўшимча сатрлар ҳисобидан улуғ аллома, тиббиёт илмини султони Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асари асосида "Ибн Сино таълимоти" фани жорий этилиб, талабаларга ўқитилиб келинмоқда. Институтда 1999-2000 ўқув йилидан "Халқ таоботи" кафедраси фаолият олиб бормоқда. Фаннинг намунавий ўқув дастури кафедра ҳодимлари томонидан ишлаб чиқилиб Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлаб берилган. "Ибн Сино таълимоти" фани бўйича дастурга мос ҳолда талабалар учун ўқув адабиётлари тайёрла-ниб чоп этилган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон республикаси президентининг юқорида қайд этилган қарорлари халқ таоботи фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги меърий-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ таоботининг усуллари ва ютуқларидан самарали ва ҳавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратишга замин яратди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎҲАТИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ таоботи соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3968-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 10 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ таоботини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар" №4668-сонли қарори.
3. "Стратегии ВОЗ в области народной медицины 2014-2023гг." ВОЗ. 2013г.
4. Қаюмов Х.Н. Халқ таоботини ривожлантириш истиқболлари. Тиббиётда янги кун. 2(30) 2020й, 134-137 б.
5. Қаюмов Х.Н. Халқ ва қўшимча таоботни соғлиқни сақлаш тизимига уйғунлаштиришдаги халқаро тажрибалар. Тиббиётда янги кун. 2(30) 2020й, 400-402 б.

Келиб тушган вақти 09.11.2020